

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2009 йил, 15 апрель, Чоршанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 75 (11.386)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона шаҳрида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарининг мазмун-моҳияти, унда илгари сурилган масалаларни ўрганишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари, олим ва мутахассислар, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбарлари иштирок этди.

● «Камолот» ЁИХ, Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» кўрик-танловининг республика босқичи Хива шаҳрида бўлиб ўтди.

● Нукус тумани маркази Окмангит шаҳарчасида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда тумандаги ташкилот ва муассасалар 90 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Тадбир давомида 70 нафар фуқаро ишга жойлашди.

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурдаги Юристар малакасини ошириш марказида одил судловни амалга оширишда тарафлар тенг ҳуқуқлигини таъминлашнинг назарий-амалий муаммоларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

● Бухорода «Сиз Қонунни биласизми?» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

● Андижон вилояти марказида хусусий тадбиркор Майрамхон Қорабоевнинг маблағи ва банк кредити ҳисобидан «Рояль» меҳмонхонаси бунёд этилди. Меҳмонхона мажмуасида ошхона-ресторан ҳамда ўқув масканлари мавжуд бўлиб, бу 50 та янги иш ўринлари очиш имкониятини яратди.

● Наманган туманидаги Гирвон қишлоғида 1 миллиард 243 миллион сўм маблағ ҳисобига 2 гектар майдонни эгаллаган замонавий услубдаги «Гирвон буюм бозори» куриб битказилди. Янги бозор 150 та турғун савдо шохобчаси, шунингдек, чеварлик, попопчилик, заргарлик, рассомлик, бешикчилик устахоналари, меҳмонхона ва махсус юк сақлаш омборхоналарига эга бўлиб, унинг ишга тушиши билан 500 нафардан зиёд киши янги иш ўринларига эга бўлди.

● «Агробанк» акциядорлик тижорат банки Бухоро вилояти бошқармасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Замонавий услубда барпо этилган ушбу муҳташам бино курилиши учун 5,2 миллиард сўм маблағ сарфланди.

ЖАҲОНДА

● Г.Байнаи Венгриянинг янги бош вазир этиб тайинланди.

● ҚХДР томонидан баллистик ракета-нинг учирлишига БМТ Хафсизлиги Кенгаши танқидий муносабатда бўлган туфайли Шимолий Корея йонбенадаги ядро иншоотида фаолият кўрсатаётган МАГАТЭ назирларини мамлакатдан чиқариб юборишга қарор қилди.

● Италиянинг Абрудцо музофотида жорий йилнинг 6 апрелида рўй берган кучли zilzila оқибатларини бартараф этиш учун 12 миллиард евро миқдордаги маблағ талаб этилиши билдирилди.

● Бутунжаҳон рақамли кутубxonанинг ўз ишини бошлаши 2009 йил 21 апрелга белгиланди. Ушбу лойиҳада Франция, Бразилия, Швеция ва бошқа кўплаб мамлакатларнинг миллий кутубxonалари қатнашаётган бўлиб, рақамли кутубхона 7 тилда ишлайди. Бутунжаҳон рақамли кутубxonасининг вазифаси китобдан то мусиқали ёзувлар ва архитектура чизмаларигача бўлган жаҳоннинг турли мамлакатлари маданий меросига юқори даражада кенг ва бепул тарзда қишқира имкон яратишдир.

● Американинг йирик автокорпорацияси General Motors ихчам техника воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Segway компанияси билан ҳамкорликда катта шаҳарларда ҳаракатланиш учун мўлжалланган ажойиб транспорт воситасини яратди. Бу икки гилдиракли жажжи автомобиль бор-йўғи 136 килограмм оғирликка эга бўлиб, 1-2 нафар йўловчини соатига 40-56 километр тезликда манзилга элтиши мумкин.

● Япония ҳукумати ривожланаётган давлатларга Куёш энергетикасини ривожлантириш мақсадида 300 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратишга қарор қилди.

● Россиянинг Кемерово областида ҳаво ёстиқчаси орқали ишлайдиган кутқариш қайғи ихтиро қилинди. Ушбу қайғи куруқликда ҳам, сувда ҳам ҳаракатланишга қодир бўлиб, янги воситадан ушбу ус-тида балиқ овлаётган ва музнинг ёрилиши натижасида ҳалокатга учраган балиқчиларни кутқаришда фойдаланиш мумкин. Зеро, эриган муз бўлаклари қайғининг ҳаракатланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Халқаро маданият қарвонсаройида Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишлаб рассомлар Людмила ва Диана Содиқовалар асарлари кўргазмаси «Тошкент жилolari» мавзуида намойиш этилди.

● **ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ** акциядорлик компанияси ташаббуси билан мутахассислар иштирокида ўтказилган тадбирда мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида, туманида уяли алоқа хизматини йўлга қўйиш чоралари ҳақида сўз борди.

● **ТОШКЕНТ** банк коллежида қизлар ўртасида спортнинг волейбол тури бўйича мусобақа ўтказилди.

● **ҲАМЗА** туманидаги «Тенгдош» маданият уйида тасвирий санъат студияси, рақс тўғараги аъзолари иштирокида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб «Тошкент фавворалари» мавзуида кеча бўлиб ўтди.

● **ЁШЛИК** талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ва «Камолот» ЁИХ шаҳарча етакчилар Кенгаши ҳамкорликларида олий ўқув юрталари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари талабалари, ўқувчилари иштирокида «Ёшлар оқшоми» деб номланган тадбир уюштирилди.

● **ГЛИЭР** номидаги Республика мусиқага ихтисослашган академик лицейида Ўзбекистон Республикаси Мудоффа вазирлиги қошидаги оркестр ижросида концерт дастури намойиш этилди.

● **ҲАМЗА** туманидаги Корейс миллий маданият марказида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилган адабий кеча ва концерт дастури «Корейс миллий урф-одатлари ва анъаналари» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



Иқтисодиёт

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНДИ

2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисида Президентимиз ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилган, бу эса ўз навбатида, мамлакатимизнинг ташқи ҳамда ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини бериши таъкидлаб ўтди.



Бугунги кунда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш орқали корхоналаримизда жаҳон андозалари даражасидаги рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда бундай маҳсулотларнинг нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорини топаётгани иқтисодиётимиз ривожига муҳим ҳисса бўлади. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Тошкентмебель» масъулияти чекланган жамиятида ҳам ўтган йилда цехларни қайта жиҳозлаш ишлари самарали амалга оширилди. Италия, Хитой ва бошқа давлатлардан келтириб ўрнатилган технологик линия, дастгоҳ ва ускуналар бугунги кун талаблари даражасидаги мебель маҳсулотлари тайёрлашда ниятда қўл келмоқда.

— Корхонамиз 1938 йилдан буён фаолият кўрсатади, — дейди масъулияти чекланган жамияти раҳбари Собир Яхёев. — Узок йиллардан буён ишлаб чиқариладиган дастгоҳларимиз бугунги бозорга моё мебельлар тайёрлаш имконини бермасди. Шу боис ҳам цехларимизни кенгайтириб, замонавий

жиҳозлар ўрнатдик, малакали мутахассисларимизнинг изланишлари, янги рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашлари учун имконият яратдик. Мебельларимиз дизайнига, мустахкамлигига эътибор қаратдик. Шу боис ҳам айни пайтда янги техника ва технологиялардан самарали фойдаланиб 50 хилдан зиёд мебельларни ишлаб чиқармоқдамиз. Буюртмаларни бажаришда эса дизайнерларимиз буюртмачи талаб ва эҳтиёждан келиб чиқадиган маҳсулотнинг нима учун хизмат қилишига кўра унинг мустахкамлиги, хоналарга уйғунлигини таъминлайди.

Корхона маҳсулотлари асосан маҳаллий ламинатлар ҳамда Польша, Латвиядан келтирилган хом ашёдан тайёрланади. Меҳмонхона, ётоқхона, ошхона меьеллари, янги турдаги горкалар, шунингдек, тиббий муассасалари, турли идоралар, лицей, мактаб, коллежларга буюртмалар асосида тайёрлаб бериладиган маҳсулотлар ўзига хос кўриниши билан харидорларни жалб этмоқдаки, бу борада изланувчан меьелсозларнинг, айниқса бош конструктор Абдураҳим Набиевнинг ҳиссаси катта. Бугунги замонавий меьел турларини яратишда у ўзига хос ғояларни беради. Шунингдек, корхонада Италия услубида тайёрланаётган шпон (қопламалар) янги маҳсулотлар яратишда ниятда қўл келмоқда. Улар ёнғок ва қизил даракт хом ашёсидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилади. Айниқса, қўл меьелатдан унумли фойдаланган ҳолда меьел маҳсулотларини гул билан беазага ҳам эътибор қаратилгани, бу товар дизайнини бойитиб, харидорлигини оширмоқда.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш лозимки, янги технологик линияларнинг

ўрнатилиши туфайли МДС хом ашёсидан фойдаланган ҳолда кўплаб янги турдаги меьел туьламлари тайёрланмоқда. Харидор ва буюртмачиларга қулайлик яратиш мақсадида корхона ҳошида кўргазмалар зали очилган. У ерда корхонада ишлаб чиқариладиган барча маҳсулот турлари мавжуд, шунингдек, харидорлар каталоглардан фойдаланиб буюртмалар бериши мумкин. Мамлакатимизда ўтказилётган тендерлардаги қатнашув эса тадбиркорларга янги буюртмаларга эга бўлишда қўл келмоқда.

Янги ўрнатилган дастгоҳ ва ускуналар шарофати билан ўтган йилда жамоа меьелсозлари ишлаб чиқариш ҳажмини бир мунча оширишга эришдилар. Уларнинг маҳоратлари билан 500 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, сотилди. Бу борада, албатта ишчи-хизматчиларга яратилган ҳар томонлама қулайликнинг самарасини ҳам таъкидлаш керак. Цехлардаги қулай иш шароитлари, бепул тушлик, меьхната яраша муқофот ва рағбатлантиришлар ана шулар жумласидандир.

Жорий йил режалари ҳусусида сўраганимизда, Собир Яхёев улар ҳақида ҳам батафсил тўхтади. Ишлаб чиқариш ҳажмини доимий буюртмачилар доирасини кенгайтирган ҳолда ошириш, сифатга ва рақобатбардошликка эътибор қаратиш, ички ҳамда ташқи бозорни ўрганиш асосида маҳсулотнинг харидориги турларини кўпайтириш ана шулар жумласидандир. Яна бир асосий режа эса маҳсулот экспортини йўлга қўйиш бўлиб, хозирда афғонистонлик буюртмачилар билан музакара олиб боришмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: меьелсозлар маҳорати маҳсулот сифати ва кўринишида аяқол акс этмоқда.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

Дўстлик ва бағрикенглик шаҳри

Пойтахтимизда «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзуида дўстлик фестивали бўлиб ўтди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган мазкур тадбир Республика Байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон Корейс маданият марказлари ассоциацияси ҳамда Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Республика байналмилал маданият маркази директори Н.Мухаммадиев, Ўзбекистон Корейс маданият марказлари ассоциацияси раҳбари В.Шин ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юрти-мизда яшаётган барча миллатларнинг миллий анъана ва қадриятларини асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йилли-

гини нишонлашга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори пойтахтимизнинг юбилейини муносиб нишонлаш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, халқимиз, айниқса, ёшларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Азал-азалдан дўстлик, тинчлик ва бағрикенглик шаҳри сифатида ном қозонган Тошкентда бугунги кунда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари бир

оила фарзандларидек аҳил яшамоқда. Барча соҳаларда эришилётган улкан ютуқларда уларнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Айни пайтда юртимизда уларнинг таълим олиши, ўз анъана ва қадриятларини ривожлантириши, меҳнат қилиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Бу жиҳатлар Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи фаолиятида ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Ушбу бир-бирига яқин кўрққа яқин миллий ва элат вакиллари таълим

олади. Уларнинг замонавий ахборот технологиялари бўйича пухта билим эгаллаши учун барча зарур шароит яратилган.

— Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган бундай тадбирлар ёшларимизда фидойилик, миллий истиқлол ғояларига садоқат, Ватанимиз тарихига ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга, — дейди коллеж директорининг ўринбосари Ирода Диевона. — Шу боис пойтахтимизнинг юбилейи арафасида ўқув-

чиларимиз учун Тошкентнинг тарихий масканларига экскурсиялар уюштирилмоқда, маънавий-маърифий учрашувлар, дўстлик фестивалларини мунтазам ўтказмоқдамиз.

Фестивалда миллий либослар намойиши, бадий кўргазма, коллеж ўқувчилари ва миллий маданият марказларининг бадий ҳаваскорлик ансамбллари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



ИШГА АМАРҲАМАТ!

—Туманимизда ҳозирда 12 та маҳалла мавжуд бўлиб, марказимиз жамоаси уларда истиқомат қилаётган аҳолининг доимий банд бўлмаган қисмини рўйхатга олиш (мониторинг ўтказиш) орқали аниқлайди. Барча ишни Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, Меҳнат Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Адлия вазирлигида тасдиқланган «Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига мувофиқ, «Аҳолини иш билан таъминлаш дастури» ҳамда бош бошқармаимиз томонидан берилган йўналишлар бўйича ташкил этганмиз. Марказимизга иш сўраб мурожаат этган банд бўлмаган фуқароларни туманимизда, шаҳримизда фаолият юритаётган йирик, кичик, хусусий корхоналар, ташкилот, муассасаларга ишга жойлаштириш асосий вазифаларимиз сирасига киради. Жумладан, бош бошқармаимиз тасарруфидоги Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига фуқароларни йўлланма билан юбориш ишлари қатъий режа асосида олиб борилди.

Бундан ташқари фаолиятимизнинг ажралмас қисми — аҳолининг ижтимоий ҳимояси ҳам марказимиз жамоаси диққат марказида туради. Яъни туманимизда истиқомат қилаётган фуқаро-

ларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами кўп болали, кам таъминланган, ногирон фарзандни тарбиялаётган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

бандликка кўмаклашувчи марказимизга туман аҳолисида 115 нафар (улардан 46 нафарини аёллар ташкил этади) фуқаро иш сўраб мурожаат этган. Шулардан 89 нафари мутахассисликларига кўра ўз ҳошишлари билан ишга жойлаштирилди. Шунингдек, 9 нафар фуқаро иш хақи тўланадиган бир марталик жамоат ишларига юборилди. Бош бошқармаимизга қарашли ўқув марказига 27 нафар фуқаро янги касбга ўқитиш, қайта ўқитиш, малакасини оширишга (жумладан, бу ерда «Уста-шоғирд» йўналишида кўплаб хунарларга ўргатилади, асосийси, улар келажакда

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида туманимизда амалга оширилаётган савий-ҳаракатлар самараси ўлароқ 49 нафар фуқаро янги иш жойларига эга бўлишди. Бунга қатнаш хисса қўшган «Нерудник» очик акциядорлик жамияти, 75-қурилиш трести, Тошкент қишлоқ ҳўжалик улгуржи бозори унитар корхонаси ҳамда кичик саноат корхоналарини мисол келтириш мумкин.

Йил давомида режага асосан тўрт мартаба «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Жумладан, шахар ярмаркаси — Алишер Навоий номи Ўзбекистон Миллий боғида ўтган тадбирда туманимиздан 15 та корхона 193 та бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Жамоа аҳли — малакали, касбига алоҳида масъулият билан ёндашувчи маҳалла нозирлари Азизхўжа Сайдалиев, Отабек Имомбердиев ҳамда Шерзод Раҳмоновлар туман маҳаллалари, айниқса «Истиқлол», «Нурафшон», «Зилола», «Миришкор» каби ўзини-ўзи бошқариш органларининг оқсоқол, фаоллари билан доимий ҳамкор бўлиб ҳам-жихатликда иш олиб боришади.

Сирасини айтганда, ҳозирги куннинг долзарб масаласи ҳисобланган пойтахт аҳолисини иш билан таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш бўйича туман бандликка кўмаклашувчи марказимиз жамоаси белгиланган режа асосида фаолият юритишга астойдил бел боғланган. Иш самарадорлигига эришиш, фуқароларга таянч бўлиш йўлида барча имкониятларни ишга солишга интиламиз.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Бандлик САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

Пойтахт аҳолисини иш билан таъминлаш Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли барча туман бандликка кўмаклашувчи марказларининг асосий иш фаолиятларини ташкил этади. Бугунги сўхбатимиз шахримизнинг кенжа — Бектемир тумани бандликка кўмаклашувчи маркази раҳбари Алишер Дадаев билан аҳолини иш билан таъминлаш ширкати уларнинг ижтимоий ҳимояси борасида жамоанинг амалга ошираётган фаолияти хусусида бўлди.

Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши юзасидан ўз қарорларимиз даражасида тегишли юмушларни бажаряпмиз. Шу ўринда меҳнат бозорига эркин рақобатлаша олмайдиган фуқаролар тоифасига ҳам корхоналарда махсус (квоталанган) иш жойлари яратилиши доимий назоратимизда эканлигини айтиб ўтиш ўринли. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, жорий йил бошидан

иш ўринларига эга бўлишди) йўлланмалар орқали юборилди. Ҳозирда туманимизда банд бўлмаган аҳоли учун (22 та корхона ўз иш жойлари ҳақида маълумот берган) 218 та бўш иш ўринлари мавжуд. Йил бошидан 562 та янги иш жойлари яратилди, булар янги ташкил этилган корхоналар — «Абдурайим Абдураҳмон» хусусий корхонаси (10 та) «Хитойтех-сервис», «Imusestrape» масъулияти чекланган жамиятлари (27 та) кабилар.

Ўзбекистон Республикаси наркотик моддаларининг ноқонуний айланishiга қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдига ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга қатъий эътибор қаратмоқда. Бу иллатга қарши кураш борасида мустақкам қонунчилик базаси яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан ҳукумат толиширигига биноян мамлакатимизнинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда 14 апрель кўни наркотик моддалар савдосига қарши кураш давомида мусодара қилинган гивандлик воситалари йўқ қилинди. Тошкент шаҳри Сирғали туманидаги заводлардан бирининг дойна печларида идораларо комиссия аъзолари иштирокида 1711 килограмм наркотик воситалар, жумладан, 501,2 килограмм героин, 1104 килограмм опий, 90,5 килограмм наша, 11,3 килограмм марихуана, шунингдек, қатта миқдордаги кўкнори похоти, наша ўсимлиги, таблетка ва эритмалар шаклидаги психотроп препаратлар ёқиб юборилди. Ушбу тадбирда БМТнинг Наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази етакчи эксперти М.Дулиевнинг айтишича, 1994 йилнинг майида илк бор 14 тонна наркотик модда ёқиб йўли билан йўқ қилинган эди. Мамлакатимизда бу борада ишлаб чиқилган амалиётга мувофиқ, жинорий ишлар бўйича ашёвий

НАРКОТИКЛАР ЙЎЛИДАГИ МУСТАҚКАМ ТЎСИҚ

далил сифатида олиб қўйилган гиванд моддалар Ўзбекистон Республикаси Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси аъзолари томонидан суд ҳужжатлари кўчма қилгандан сўнг барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари вакиллари иштирокида махсус ажратилган дойна печларида ёқиб юборилди. Қатта миқдордаги наркотик моддалар эса БМТ, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида йўқ қилинди. Ўзбекистонда 1994 йилдан буён 22 тонна гиванд модда йўқ қилинган.

БМТнинг Наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий вакили Жеймс Каллахан мазкур вазоратнинг ахборот, наркобизнесга қарши кураш бўйича халқаро фаолиятини мувофиқлаштиришда Ўзбекистон муҳим ўрин тутишини таъкидлади. У мамлакатимизда мусодара қилинаётган гиванд моддалар ҳажми кўпайгани ва ушбу йўналишдаги ишлар салмоғи ортганини қайд этди ҳамда бу борада халқаро ҳамкорлиқни кўчатириш зарурлигига эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан наркобизнесга қарши кураш мақсадида гиванд моддалар савдоси билан шуғулланадиган трансмиллий гуруҳларни аниқлаш ва уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш, контрабанда йўллариини тўсиш, гиванд ўсимликлар экиладиган майдонларни йўқ қилиш ҳамда наркоманиянинг ёйилишининг олдини олиш бўйича махсус комплекс операциялар амалга оширилмоқда.

Бу борада кўплаб мисоллар келтириш мумкин. 2008 йил 5 июнда Сурхондарё вилоятида Амударё орқали ясама қайиқда 44 килограмм опий олиб ўтаётган Афғонистон фуқароси қўлга олинди. 10 июнда эса яна Сурхондарё ҳудудида қўлга олинган Афғонистоннинг Балх вилояти фуқаросидан 71,7 килограмм опий ва 2,3 килограмм героин олиб қўйилди. 4 июль кўни Тошкент вилоятида «Нексия» автомашинасини текширувдан ўтказиш пайтида махсус ясалган махфий туйнукда 3,565 килограмм героин ва 6,160 килограмм опий борлиги аниқланди ҳамда олиб қўйилди. 24 июль кўни Сурхондарё вилоятида ўзбекистонлик фуқаронинг уйи текширилганда, Тожикистондан отларда айланма йўллар орқали олиб келинган 133,2 килограмм героин борлиги аниқланди ва мусодара қилинди.

Наркотик моддалар асосан чегаранинг назорат қилиш қўйин бўлган тоғли участкалари орқали пайда ва отларда, шунингдек, Амударё орқали ясама қайиқларда олиб ўтилмоқда. Халқаро алоқаларга эга наркобизнес жинорий гуруҳлари фаолашгани кузатишмоқда. Ушбу гуруҳларда афғонистонликлар етакчи роль ўйнамоқда.

Масалан, 2008 йил 24 февралда Сурхондарё вилоятида Амударё орқали ясама қайиқда 24,2 килограмм опий олиб ўтган Афғонистон фуқароси қўлга олинди. 14 июль кўни шу вилоятда Балх вилоятининг қуролланган фуқароси қўлга олинди ва у Амударё орқали резина қайиқда олиб ўтган 52 килограмм опий мусодара қилинди. 12 август кўни эса яна шу ерда Балх вилоятининг қуролланган фуқароси қўлга олинди ва Афғонистондан шундай йўл билан олиб келинган 27,4 килограмм опий мусодара қилинди. Афғонистонлик фуқаролардан жами 470 килограммга яқин наркотик моддалар олиб қўйилди.

Транзитчилар наркотик моддаларни меза-сабзавотлар, автотранспортдаги махфий туйнуқлар, қўл юклари, маийий буюмлар, кийимлар орасида, ўз танаси ичида яшириб олиб келмоқда. Енгил автотранспорт воситасининг ёқилги газ баллонларидан шу мақсадда фойдаланган ҳолатлар ҳам аниқланди. Мисол учун, 2008 йилнинг 28 майида Бухоро вилояти ДАН постига «Нексия» русумидаги автомашина текширилганда, унинг юкхонасида ўрнатилган ёқилги газ баллони ичида 28 килограмм героин борлиги аниқланди ва олиб қўйилди. Шу йилнинг 27 июлида эса Бухоро вилояти ҳудудида автомашинанинг газ баллони ичида яширилган ҳолда 14,4 килограмм героин олиб келатган Ўзбекистон фуқаролари қўлга олинди.

2008 йилда республикамиз бўйича наркотик моддалар билан боғлиқ жами 10200 та жиноят (2007 йилда 9435) аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бошқа ваколатли вазирлик ва идоралар ўз савий-ҳаракатини наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш, гивандлик тарқалишининг олдини олиш, идораларо ва халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга қаратилган комплекс тадбирларга йўналтирилмоқда. Бу борада Наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва ноқонуний айланishiга қарши кураш бўйича 2007-2010 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида кенг кўламли профилактика ишлари амалга оширилмоқда.

Наркология хизмати ва ҳуқуқ-тартибот органлари мутахассислари томонидан оммавий ахборот воситаларида наркомания ва у билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш масалаларига бағишланган 970 та чиқиш қилинди, аҳолининг турли гуруҳлари ҳузурида 8665 маъруза ўқилди, 1114 семинар ўтказилди. Ҳудудий ўсимлар марказлари шифокорлари гивандликни эрта аниқлаш мақсадида нарколог-шифокорлар билан биргаликда 1 миллион 900 миң нафардан ортиқ ўсимирин тиббий қўриқдан ўтказди. 2008 йилда диспансер ва профилактика хисобида турадиган наркотик моддаларни истеъмол қилувчилар сони қаммайди ва 21439 кишини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мутахассисларни жалб этган ҳолда, 1,3 миллион нафардан ортиқ ўқувчи иштирокида гивандликнинг олдини олиш бўйича дарслар ўтказилди. Гивандликнинг олдини олишга бағишланган 30 мингта плакат ва фильмлар ёзилган 10 мингта диск тарқатилди.

Бу борада халқаро ҳамкорлик ҳам сезиларли равишда фаоллашди. Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, Эрон, Хитой, Польша, Италия, Покистон, Украина, Грузия, Германия, Туркия, Болгария, Латвия ва бошқа давлатлар билан икки томонлама шартномалар, МДҲ, ШҲТ, Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш маркази, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) доирасида кўп томонлама шартномалар амалга оширилмоқда. Бошқа давлатлар билан ҳам бу борадаги ҳамкорликни янада кенгроқ йўлга қўйиш бўйича иш олиб боришмоқда.

Имзоланган шартномалар доирасидаги келишувлар бўйича Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, Покистон, Италия, Туркия, Германия, Франция, Болгария, Эроннинг мувофиқлаштирувчи таълимлари, шунингдек, БМТнинг Наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш маркази, ЕОҲТ ва бошқа ташкилотлар билан бу борадаги вазиятга оид йўналиш ҳамда ахборот материаллари алмашиш таъминланмоқда.

В.НИКОЛАЕВ, Ўза мухбири



Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ давлатимиз томонидан ёшларимизни жисмонан ва маънавий эътиборга олиб тарбиялаш борасидаги ислохотлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро ҳамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ҳамда бошқичма-бошқич амалга оширилмоқда. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ҳаётимизга татбиқ қилинаётгани истиқболимиз эгалари

бўлган ишларимизга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатиш, малакали мутахассис қилиб етиштириш, иш билан таъминлаш, соғлигини асраб-авайлаш, маънавиятини юксалтириш, қобилияти ва иқтидорини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ҳамза маийий хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида бўлганимизда ҳам ўқувчиларнинг замонавий билим асосларини сингдиришлари, келгусида жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча шарт-шароит, имкониятлар яратилганлигининг гувоҳи бўлдик.


Ёшлар — келажакимиз

РЕЖАЛИ ИШЛАР — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

— Коллежимизда ушбу ўқув йилида 485 нафар ўқувчи умумий оватланиш ҳамда буғалтерия хисоби йўналишларда таҳсил олишмоқда, — дейди таълим маскани директори Рўзимурод Ғоипов.

— Ўқувчиларимизнинг билим олишлари, танлаган мутахассисликларини эгаллашлари учун кенг имкониятлар мавжуд. Ўқув биносидан 18 та махсус жиҳозланган фан хонаси, 2 та компьютер хоналари спорт зали, ошхона, буфет ўқувчилар ихтиёрида.

Ўзига хос ички маданияти ҳамда касб-маҳоратлари туфайли ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида муносиб ўринга эга. Ўқувчиларимизга етарлилик билим бериш, танлаган касбларга астойдил меҳр қўйишлари, қизиқишлари ортиб боришида, малакали, етук мутахассислар қилиб тарбиялашда устозлар — ўқитувчи ҳамда иш-



лаб чиқариш усталарининг меҳнатлари алоҳида таъкидлаш жоиз, албатта. Бу ерда ҳозирда 21 нафар ўз касбига меҳр қўйган ўқитувчи, 7 нафар захматкаш ишлаб чиқариш усталари ўқувчиларга чуқур билим ҳамда касб маҳоратдан таълим, сабоқ беришмоқда. Улардан махсус фан ўқитувчилари — Дилбар Исмоилова, Анна Амбарцумова, Нилуфар Ортиқбоева, қатта уста Наталья Пирожова, усталар: Диана Гица, Алла Самишкиналарнинг хизматлари таҳсинга лойиқ.

Шу ўринда таълим масканининг яқин ҳамкорлари хусусида ҳам тўхталсак. Уларга пойтахтимизда фаолият юритаётган 15 дан зиёд умумий оватланиш корхоналарини мисол келтириш мумкин. Мазкур ташкилотлар билан узоқ йиллик шартнома асосида иш юритилмоқда. Жумладан, ўқувчиларимизнинг режага кўра ишлаб чиқариш амалиётлари-

ни ўташлари учун ҳозирда шахримизда 70 дан ортиқ умумий оватланиш корхоналарида етарли шарт-шароитлар яратилган. Қувонарлиси, амалиётлар ўташ даврида битирувчиларимиздан ўртача саксон фоизи учун иш жойлари захираси яратилди.

Ҳамза туман бандликка кўмаклашувчи маркази билан ҳамкорлигимиз ҳам эътиборга молик. Боиси, марказнинг етакчи мутахассислари билан коллежимиз маъмурияти ҳам-жихатликда меҳнат бозорига таълим масканидаги мутахассисларга бўлган эҳтиёж, талабни ўрганишда ҳамда пойтахтдаги умумий оватланиш корхоналарида кадрларга бўлган эҳтиёждан (ўтказилган мониторинг асосида) келиб чиққан ҳолда ўтган — 2007-2008 ўқув йилида 175 нафар битирувчиларимиз ишга жойлаштирилди.

Ҳадемай, 2008-2009 ўқув йили ҳам поёнига етди. мактабларнинг битирувчи синф ўқувчиларини коллежимизда таълимни давом эттириб, бирон мутахассисликка қизиқишларига эришиш мақсадида деярли йил давомида жамоамиз қизгин фаолият юритади. Хафтаннинг жума кунлари «Касблар фестивали» ўтказилади, «Очиқ эшиклар кўни», кўрик-танловлар, учрашув, давра сўхбатлари каби барча тадбирларда коллежимизга ташриф буюрган мактаб ўқувчилари, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар, шулар қаторида яқин-атрофдаги маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллар биздаги таълим, мутахассисликка киришдаги олиб борилаётган амалий ишлар билан бевосита яқиндан танишишлари, фикр-мулоҳаза билдиришлари мумкин.

Сирасини айтганда, ушбу коллеж мисолида ёшлар — келажак умидларимизнинг ҳар томонлама комил инсонлар бўлиб вояга етишларида давлатимиз томонидан яратилган қўлай имкониятлардан яна бир бор кўнглимиз гурурга тўлди.

Муқаддас УМАРБЕКОВА СУРАТЛАРДА: Ҳамза маийий хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ҳаётдан лавҳалар

Касаначилик ЕТАРЛИ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2006 ЙИЛ 5 ЯНВАРДАГИ «ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР ЎРТАСИДА КООПЕРАЦИЯНИ КЕНГАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР САМАРАСИ ЎЛАРОҚ, ПОЙТАХТИМИЗДА ҲАМ КАСАНАЧИЛАР САФИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА.

1999 йилдан фаолият юритаётган «Мет-фур-сервис» масъулияти чекланган жамиятида сифатли фурнитурга буюмлари ишлаб чиқарилади. Мазкур корхона юқоридаги Фармон ижросини таъминлаш йўлида ҳам режавий ишларни амалга оширмоқда. Шу давргача яқин атрофдаги маҳалла фуқароларидан 16 нафари касаначилик асосида иш билан таъминланди.

— Замон талабидан келиб чиққан ҳолда, — дейди корхона раҳбари, ташаббускор тадбиркор Шавкат Халилов, — цехларни модернизация қилиш, замонавий юксак самарали технологик линия, дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозлаш, ишчи-хизматчиларнинг касб маҳоратларини ошириш устида ишламоқдамиз. Шу ўринда бу юмушларнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз сифатини ошириш, харидорлигини таъминлашга қаратилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Жорий йилда жамиятимизнинг 100 нафарга яқин малакали, касбига алоҳида меҳр қўйган ишчи-хизматчилари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2 миллион 340 миллион сўмга етказишни мақсад қилган. Рақобатбардош маҳсулотларимизни «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси билан Россия, Руминия, Ҳиндистон давлатларига экспорт қилишни режаланганмиз.

Ортимизда мустақиллигимиз шарофати билан кичик корхона, хусусий бизнес субъектларининг эркин фаолият юритишлари учун яратилган етарли шарт-шароитлар, ҳуқуқий ҳимоя туфайли ишбилармонларимиз меҳнати баракали бўлмоқда. Эътиборли томони, кўплаб пойтахтликлар иш ўринларига эга бўлишмоқда. Касаначилик асосида иш юритувчи аёллар қатор афзалликларга эга бўлиб, иш юритиш давомида ўз хонадонларида болалари ёнида кўнгли тўқлик билан баракали ишлашади. Яна бир қўлайлик томони, уйда ўтириб касаначилик асосида буюртмаларни бажараётган ишчиларни корхона керакли ускуна ҳамда хом ашё билан таъминлайди.

Келгусида ҳам корхонани кенгайтириш, буюртмаларни кўпайтириш ҳисобида касаначилар сафи орттишига эришамиз.

Муяссар АБДУРАСУЛОВА



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ХИКМАТЛАР

Тушса гар ҳиммат кўзи офтобга, бас, Зарра бирлан ҳамнишинлик айламас.

Химматинг қушдир, қанот бер, бол анга, Ақлу жонинг сийла, дил бер, ҳол анга.

Нолима кўлу қанотинг ёнса ҳам, Ҳаммадин олдинда юргил, пешқадам...

Бошинг узра порлаган офтобга бок, Нур бўлиб жонингда ёнсин иштиёк...

Улки соҳиб ҳиммат эрса, мард эрур, Шамсдек юксақда порлаб, фард эрур.

Айламак инсоф бировга, бул йўруғ Бир умрлик зухду тоатдин улуг.

Бир эмас, икки жаҳон ичра магар Йўқ футувват, ўйлаким, инсоф қадар.

Кимки инсоф айлағай, ул кони қут, Бўлмағай ҳаргиз рёкор, эсда тут.

Ҳар неким, зимнида йўқ меҳру вафо, Ул жавонмардликка эрмас ҳеч вафо.

Бўлмасанг япроқ, бутокда ўйнама, Этма густоҳлик, ўзингни қийнама.

Ҳар киши девона бўлса, бегумон, Кўнгли не истар, уни айлар баён...

Келдилар ишқ аҳли поку бегумон.

Ошиғи девонани маъзур тут.

Ўз хаёлинг бирла мағрурсен, бироқ, Аслида хомсен, маърифатдин йироқ.

Алданиб қолма чароғон эрса йўл, Нафс ҳамроҳинг эрур, оғоҳ бўл.

Бўйла шамшир эрса душман дастида, Кимни ул тутмас хавотир остида?

Йўл қоронғу эрса, навмид бўлмағил, Йўл чароғон эрса, хуршид бўлмағил.

Бас, гумонлар ичра бундоқ фарқ эсанг, Арзимас бир пулга ташвиш, талвасанг.

Сен улуглик этма даъво, кўй гурур, Қўйсанг, басанг, ҳудуд ҳақиқат айрилур.

Ёқ ҳавойингни, гурурни айла кул, Нафсдин келган хузурни айла кул.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

РАҚИБЛАРИМИЗ МАЪЛУМ

Маълумки, жорий йилнинг 24 сентябрь — 16 октябрь кунлари Миср Араб Республикасида футбол бўйича ёшлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Қурраи заминнинг энг кучли 24 та терма жамоалари голиблик учун кураш олиб борадиган ушбу нуфузли турнирда Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг ҳам борлиги қалбларни фахр туйғуси билан тўлдирди.

Куни кеча Миср Араб Республикасида ёшлар ўртасида уюштирилаётган жаҳон чемпионатининг гуруҳ баҳсларига қўрға ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга қўра мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси «Д» гуруҳида Гана, Англия, Уругвай давлатларининг ёш чарм тўп усталарига қарши майдонга тушди.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — БИРИНЧИ

Шаҳримиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ўтказилди.

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яққакуршлари ва жанг санъати маркази ҳамкорликларида икки кун давомида уюштирилган ушбу мусобақаларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 300 нафар спортчи голиблик учун кураш олиб борди.

Шаҳсий биринчилик беллашувларида мусобақага бошқалардан кўра пухта тайёргарлик кўрган Камолдин Салимов, Муҳаммадали Таштурсунов ва Алишер Абдуллаев сингари ўндан ортиқ спортчилар ўз вази тоифаларида биринчи ўринни қўлга киритишди.

Умумжамоа ҳисобида эса шохсупанинг юқори поғониси ҳамшаҳарларимиз жамоасига насиб этган бўлса, андижонликлар иккинчи, қорақалпоғистонликлар учинчи ўринларни эгаллашди.

(Ўз мухбиримиз)

Фавқулдда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан

ФИДОЙИЛИК ВАҚТ ТАНЛАМАЙДИ

ИНСОН ҲАЁТИНИ ТАСОДИФЛАРСИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН. НЕГАКИ, БИРГИНА ЭҲТИЁТСИЗЛИК ЁКИ ЛОҚАЙДЛИК ҚУВОНЧЛИ КУНИМИЗНИ ТАШВИШГА РЎБАРЎ ҚИЛИШИ ҲЕЧ ГАП ЭМАС. НОГОҲ КИМДИР СУВГА ЧЎКИБ КЕТГАНИ, БОШҚА БИРОВНИ БАҲАЙБАТ ДАРАХТ БОСИБ ҚОЛГАНИНИ ЁКИ ХОНАДОН ЭШИГИ ҚУЛФЛАНИ ҚОЛГАНИ-Ю, ҲАЙДОВЧИ ЁХУД ЙЎЛОВЧИ АВТОФАЛОКАТ ОҚИБАТИДА МАШИНА КУЗОВИ ИЧИДА ЁТган ТАҲЛИКАЛИ ДАҚИҚАЛАРДА ТАБИЙИКИ, ХАЛОСКОРЛИК ХИЗМАТИДАН НАЖОТ КУТАДИ.

Ҳаётда учраб турадиган бундай воқеа-ходисаларнинг кўпга гувоҳи бўлганмиз, қўлимиздан келган барча имкониятларни ишга солиб, ана шундай қалтис вазиятларда кўмакка муҳтожлик сезган инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз ва бундай беиминат хизмат қилганимиздан фахр ҳиссини туйамиз.

Салкам уч йилдан буён пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган, таркибида шижоатли ва матонатли йигитларни жамлаган, Тошкент шаҳар ФВБ «Авария-қутқарув отряди» эндиликда халоскорлик ва нажоткорлик, керак бўлса инсонларга маддадор сифатида эл-юртга анча-мунча танилиб улгурди, десак муболага бўлмас.

Этироф этиш жоизки, мустақиллигимиз шарофати билан ва-

зирлик ташкил этилган, Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазирининг 2006 йил 25 октябрдаги 210-сонли буйруғига асосан «Авария-қутқарув отряди»нинг фаолият кўрсатиши бошқарма тарихида ҳам ёрқин саҳифалар очди. Негаки, ўз таркибига қирқдан ортиқ малакали, юқори тоифали кутқарувчиларни, ўнлаб замонавий, сифатли кутқарув хизмати кўрсатиш имкониятига эга бўлган махсус автотехникаларни ва замонавий ўқув моддий базасини жиғлаштирган «Авария-қутқарув отряди»нинг фаолият қўлами анча кенг бўлиб, пойтахт ҳудудидаги ўта муҳим ва тоифаланган, кийевий, ёнғин ва портлаш хавфи мавжуд объектларда ҳамда жамоат масканларида, аҳоли пунктларида, кўп қаватли бино ва иншоотларда, шунингдек,

сел ва тошқин хавфи бўлган жойларда юзага келган фавқулдда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш, сувдан қутқариш ва жабрланган аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, хавфсиз жойларга кўчириш ҳамда авария-қутқарув, қидирув-қутқарув ишларини олиб боришга йўналтирилган.

Сўнгги пайтларда авария қидирув-қутқарув кўчларининг асосий эътибори фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга бўлган эътибор анча кучайтирилди. Қутқарувчиларнинг жанговар ва касбий тайёргарлик даражаси яхшилангани, пойтахтда фаолият кўрсатаётган фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркиби шакллантирилиб, уларнинг керакли асбоб-ускуналар билан таъминлан-

гани ва хизмат самарадорлиги анча ошгани фикримизнинг далилидир.

Асосий бўғинлардан бири — «Сувда қутқарув» гуруҳи бўлиб, таркибига бир неча тажрибали кутқарувчи-ғаввосларни бириктирган. Мазкур гуруҳ замонавий ғаввослик асбоб-анжомлари билан таъминланган. Бундан ташқари, уларга барча қутқарув воситалари билан жиҳозланган 2 та махсус автомобиль ажратилган бўлиб, юклатилган вазифаларни тўлиқ бажариш имкониятига эга. Сўнгги йиллар статистикасига эътибор қаратадиган бўлсак, «Авария-қутқарув отряди» ташкил этилганидан буён ўтган йиллар давомида гуруҳ шахсий таркиби сув ҳавзаларида жабрланган аҳолига ёрдам кўрсатиш мақсадида жами 100 дан ортиқ чи-

қишларни амалга ошириб, унда кўплаб инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Ҳа, қутқарувчилар ўта масъулиятли ва шу билан бирга шарафли ва хайрли касбдир. Мардларга хос бўлган бундай савоб ишларни সিқидилдан адо этаётган қутқарувчиларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Айтиш жоизки, қутқарув хизмати ҳар томонлама шакллантириш, ҳодимларнинг касбий маҳорати, тажриба ва малакасини йилдан-йилга такомиллаштириб боришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шарқ дурдоналарида шундай сўзлар битилган: «Икки нарсаси, яъни шижоат ва матонат инсонга ҳар ишда муваффақият бахш этади. Шижоат — ботирлик, мардлик билан ишга қиришиш, матонат эса бардошлилик, мустаҳкам ва қатъий иродали, деган сўздир. Бу хислатларга эга бўлган киши бахт-саодатга эришади».

Ҳа, бизнинг қутқарувчиларимиз ана шундай хислату фазилатлардан беғона эмас.

Эркин ҚАМБАРОВ, майор
Тошкент шаҳар ФВБ Авария-қутқарув отряди командири.
Азамат СУЙОНОВ, журналист.

Спорт янгиликлари

Кейинги йилларда нафақат ёшларнинг, балки катталарнинг ҳам саломатлигини тиклаш, соғлом турмуш тарзининг афзаллигини тарғиб этиш борасида мусобақалар ўтказилиб келинмоқда.

УСТОЗ-МУРАББИЙЛАР БЕЛЛАШДИ

Яқинда Сергели туманидаги Олимпия умидлари болалар спорт мажмуасида тумандаги 26 та умумтаълим мактабларининг 60 нафар ўқитувчилари иштирокида ўтказилган мусобақа ҳам айнан юқоридаги хайрли мақсадлар йўлида ташкил этилгани билан эътиборга моликдир.

Спортнинг стол тенниси, шашка, бадминтон каби бир қатор турлари бўйича ушбу мусобақа гоятда қизиқарли ва ҳаяжонли ўтди десак муболага бўлмайдди. Чунки устоз-мураббийларнинг ҳар бир ҳаракатини синчковлик билан кузатиб турган ёшларга ўрнак бўлиш ва албатта галаба қозонишни ким ҳам хохламайди, дейсиз.

Зўр кайфият ва таассуротларга бой тарзда ўтган мусобақада фақат голибларга эмас, балки барча иштирокчиларга Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиалининг эсдалик совғалари топширилди.

Бундай мусобақаларни ўтказиш ҳар томонлама фойдали бўлади, — дейди мусобақа ҳакамлари даврасида очколар йиғиндиси бўйича баҳслашиб турган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ходими Нилуфар Абдувоитова. — Чунки ўқитувчи-мураббийларнинг спорт билан шуғулланиши бир томондан ўзи учун фойдали бўлса,

иккинчи томондан улар таълим-тарбия бераётган ўқувчи-ёшларга ибратдир. Шунинг учун ҳам спортнинг барча турлари бўйича мунтазам мусобақалар ўтказилиши керак деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, спорт соғлиқ-саломатлик гарови. Шундай экан ҳар бир инсон ташқаридан кимнингдир ташаббус билан чиқиши ёки таклиф этилиши кутиб ўтирмай ўзининг соғлиғи ҳақида ўзи қайғуриши, спортнинг хоҳлаган тури билан шуғулланиши даркор. Токи соғлом танда соғ ақл нақли амалда исботини топсин.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: бўлиб ўтган мусобақалардан лавҳа



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Юнусовда туманидаги 17-сонли Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабига иккинчи синфларга ўқувчилар қабул қилинади

Бунинг учун куйидаги ҳужжатлар топширилиши керак.
— Директор номига ариза;
— Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (асл нусхаси ва нусхаси);
— Ўқувчининг табели;
— Тиббий маълумотнома (086/У);
— Фотосурат 6 дона (3,5x4,5)
— Тавсифнома.
Аризалар 2009 йил 20 майгача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 236-26-46

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

ХУКМ ЎҚИЛДИ
«ШЕРЮРАКЛИК» ПАНД БЕРДИ
Тирикчилик, кундалик ҳаёт заҳматлари кишиларни нималарга мажбур қилмайди, дейсиз. «Яшаш учун кураш» туйғуси инсоният қонига сингганидан бери унинг «хуружи» ҳар дақиқа вужудларда кўпириб, тошиб келади.

ди! Жазо ҳар доим жиноятчи билан бирга юради. Бирга ётиб, бирга туради».

— Ишдан бўшагандан сўнг мен билан юрсанг, бир юракнинг чигилини ёсасак, — дейди.

«Шердил» йигитлар ўзаро орани очиб қилиб олиш учун кўнадан «Москвич» русумидаги автомашинани тўхташгади ва «Урикзор» маҳалласидаги Бўрижар қанали ёнига келишди. Эҳтимол ўша кезларда Аббоснинг асл мақсади ҳамшаҳри билан тинчгина келишувга эришиш бўлгандир.

инчилик маълум бўлган суд-тиббий экспертизасининг ҳулосасида жабрланувчининг олган тан жароҳатлари ҳаёт учун хавfli бўлиб, оғирлик даражасига кўра оғир тан жароҳатлари ҳисоблангани қайд этилган.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3824 нусхада босилади. Қоғоз бивим А-2
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўғимларига ёки «Тошкент почтамитига — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.
«Шарқ» нашрийт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
2 5 6
Тошпирилган вақти: 12.46

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 306